



ЎЗБЕКИСТОНДА КАСАБА УЮШМАЛАРИ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИНГ
РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Авезов Умиджон Тошпулатович
*Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат
университети мустақил изланувчиси*
E-mail: avezovumidjon@mail.ru

Аннотация: Ушбу тезисда касаба уюшмаларини ҳуқуқий асослари ҳамда бу борадаги қонунчиликнинг ривожланиб бориши муҳокама қилинган. Шу билан бир қаторда айрим қонун нормаларини такомиллаштириш борасидаги хулосалар баён этилган.

Калит сўзлар: қонунчилик, касаба уюшмаси, низом, қонуний фаолият.

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида касаба уюшмалари муҳим ижтимоий институт сифатида фаолият олиб бормоқда. Улар фуқароларнинг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоатчилик назоратини амалга ошириш ва давлат органлари билан мулоқот майдони сифатида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

2025 йил май ҳолатига кўра, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси 7023104 миллиондан ортиқ аъзо ва 14 та тармоқ касаба уюшмаларини бирлаштирган. Унинг таркибига Қорақалпоғистон Республикаси, 12 та вилоят ва Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари киради[1]. Ҳозирги вақтда ушбу институтнинг ижтимоий жараёнларга таъсири фақатгина меҳнат муносабатлари билан чегараланиб қолмасдан, балки ундан ҳам кенгроқ, яъни инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари доирасига қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Ўз навбатида, касаба уюшмалари фаолиятини тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий асосларини таҳлил этишда, асосий эътиборни, халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари, шунингдек Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳужжатларини қаратиш мақсадга мувофиқ.

Хусусан, 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси”нинг 20-моддасига кўра: ҳар бир инсон тинч йўл билан йиғилишлар ўтказиш ва ассоциацияларга бирлашиш ҳуқуқига эга. Ҳеч бир шахсни бирон бир ассоциацияга мажбуран жалб қилиш мумкин эмас[2], деган қоида белгиланган бўлса, 1966 йил 16 декабрдаги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 22-моддасида “Ҳар бир инсон бошқалар билан уюшиш эркинлиги ҳуқуқига, шу жумладан касаба уюшмалар ташкил этиш эркинлиги ва ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун шундай уюшмаларга кириш ҳуқуқига эга” эканлиги каби қоидалар мустаҳкамланган.



Конституциянинг 34-моддасида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлигини эътироф этиш билан бирга, сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи муҳолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмаслигини белгилаб қўйилган[3].

Касаба уюшмаларининг ташкилий-ҳуқуқий шакли тўғрисида Конституциямизнинг 70-моддасида тўхталиб ўтилиб, Ўзбекистон Республикасида касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар ташкилотлари, фахрийлар, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахслар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ҳамда фуқароларнинг бошқа бирлашмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади, дейилган.

Касаба уюшмалари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимида “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги қонун алоҳида ўрин тутади. Ушбу қонун давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари, иш берувчилар касаба уюшмаларининг ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлайди. Касаба уюшмаларининг фаолиятига аралаштишга, уларнинг фаолияти тўғрисида бирор-бир ҳужжат тақдим этишни талаб қилишга, касаба уюшмаларининг фаолиятини давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари, иш берувчилар ташаббусига кўра тугатишга йўл қўйилмайди.

Бундан ташқари, қонунда касаба уюшмалари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, касаба уюшмаларининг мулк ҳуқуқи кафолатлари, касаба уюшмалари органларига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилмаган ходимлар учун кафолатлар, касаба уюшмалари органларига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилган ходимлар учун кафолатлар, касаба уюшмалари органларига сайланган ходимлар учун меҳнатга оид қўшимча кафолатлар назарда тутилган.

Мазкур қонунга кўра “касаба уюшмаси – фуқароларнинг ўз фаолияти ёки ўқиши тури бўйича умумий касбий манфаатлари билан боғлиқ бўлган, уларнинг меҳнатга оид, бошқа ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида тузиладиган, ўз устави асосида фаолият кўрсатадиган ихтиёрий жамоат бирлашмаси”дир[4].

Қонуннинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, унда касаба уюшмаларини, уларнинг бирлашмаларини, бўлинмаларини ҳамда бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини тугатиш тартиби, касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари фаолиятининг иқтисодий асослари тартибга солинган.



Касаба уюшмалари фаолиятига оид қонун ҳужжатлари қаторида “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонун ҳам умумий характерга эга бўлган муҳим ҳужжат ҳисобланади. Ушбу қонуннинг юртимизда жамоат ташкилотларининг ташкил этилиши ва ривожланишининг асоси ҳисобланди. Касаба уюшмаларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклига тўхталиб, уни жамоат бирлашмаларининг бири сифатида санаб ўтади. Умумийликдан хусусийликка қараб тушунишга асосан, жамоат бирлашмаларига тегишли таъриф, сўзсиз касаба уюшмаларига ҳам тааллуқли эканлигини билдиради.

Касаба уюшмалари нодавлат нотижорат ташкилоти саналганлиги сабабли “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонуннинг нормалари ҳам тадбиқ этилади. Жумладан, қонунда шундай дейилади: “Сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, диний ташкилотлар ҳамда бошқа айрим нодавлат нотижорат ташкилотларини тузишнинг, улар фаолиятининг, қайта ташкил этилиши ва тугатилишининг хусусиятлари махсус қонунлар билан тартибга солинади. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти соҳасининг у ёки бу муносабатлари махсус қонунлар билан тартибга солинмаган ҳолларда ушбу қонуннинг нормалари қўлланилади”[5].

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон касаба уюшмалари 2020 йил 18 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан қайта давлат рўйхатидан ўтказилган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси устави (янги таҳрири) асосида иш олиб борадилар. Ушбу устав касаба уюшмаларининг мақсад ва вазифалари, касаба уюшмаларининг аъзолари, уларнинг ҳуқуқлари ва вазифалари, фаолият принциплари ва ташкилий тузилиши, бошланчич ташкилотлар, Ўзбекистон касаба уюшмалари курултойи, марказий кенгашлари, туман (шаҳар) мувофиқлаштирувчи кенгашлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси курултойи ва Раёсати, Ўзбекистон касаба уюшмалари курултойлари, конференциялари, сайлаб қўйиладиган органлар йиғилишлари, мажлисларининг ҳуқуқли бўлиши, уларда қарорлар қабул қилиш ва овоз бериш шакллари, Ўзбекистон касаба уюшмалари ташкилотларининг тафтиш комиссиялари, касаба уюшмаларининг маблағлари ва мулклари ҳамда федерация фаолиятини тўхтатиш тартиби каби кўплаб масалаларни тартибга солган. Шу билан бирга, “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши муносабати билан мазкур ҳужжатни бугунги кун талабларига мослаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, касаба уюшмалари мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларда ва юртимизнинг ривожланишида ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишлари бугунги кун талаби ҳисобланади. Мамлакатимизда касаба уюшмаларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган қонун ҳужжатининг қабул қилиниши ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ихтисослашган жамоа ташкилоти бўлган вакиллик органлари фаолиятини янги



TANQIDIY NAZAR, TAHLILIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G'OYALAR



босқичга олиб чиқмоқда. Зеро, мазкур институтларнинг ривожланганлиги ўз навбатида фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларининг янада ишончли ҳимоя қилинишига, шунингдек уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигининг ошишига замин яратмоқда.

Иқтибослар:

1. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси расмий веб-сайти – <https://kasaba.uz/>
2. Всеобщая декларация прав человека // Международные акты о правах человека. Сб. док. –М.: Норма, 1999. –С.39
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2023. – 128 б.
4. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.12.2019 й., 03/19/588/4115-сон.
5. “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси Қонуни//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 1999 йил, №5-6; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.09.2019 й., 03/19/566/3734-сон